# АССАЛОМ БАҲОР, АССАЛОМ НАВРЎЗ!

Куч — адолатда

# Адолат

Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий газета

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

2003 йил 21 МАРТ

11 (402)

ГАЗЕТА ҲАФТАНИНГ ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Сотувда эркин нархда

## ЎН ИККИНЧИ БАҲОР

***Ўн иккинчи баҳор!.. Нақадар тотли бир ибора. Тассавур қилинг: бундан ўн икки йил аввал туғилган ўғил қизингизнинг бўй -басти бугун сизни қувонтиргудек. Зеро, бугун баҳор ҳам шундай: қадду басти ила ўз чиройини кўз-кўз эта бошлади. Шунга монанд мустақиллигимиз баҳори ҳам ўн икинчи баҳорни қаршилади. Ўзбегимнинг шу ўн икки йил ичидаги довруғи элларга достон бўлди. Мустақиллигимиз рамзлари Ўзбекистон байроғи, герби, мадҳияси юзага келди.***

Наврўз яна миллий байрамларимиз қаторидан ўрин олди. Бу кун-дам олиш куни деб эълон қилинди. Муқаддас "Ийди-Рамазон", "Қурбон" хайити байрамларимизни қайта нишонлай бошладик. Шу тарзда ҳалқимизнинг асрий қадриятлари ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олди.

Ўтаётган ҳар бир йилимизнинг ўзгача шукуҳию, файзу тароватни бор. Шу билан биргаликда салоҳияти ҳам. Шунга монанд халқларимизнинг эзгу-ниятлари, юзага чиқиб миллий қадриятларимизга хос фикр-қарашларимиз ташлаётган дадил қадамларимизда акс-садо бермоқда. Муҳтарам Юртбошимизнинг ташаббуслари билан 1998 йил "Оила йили", 1999 йил "Аёллар йили", 2000 йил "Соғлом авлод йили", 2001 йил "Оналар ва болалар йили", 2002 йил " Қарияларни қадрлаш йили"га айлантирилганлиги қалбларимизни тўлқинлантирди. Шубҳасиз бу йиллар тарихимиз саҳифаларида ёрқин из қолдирди. Энди эса мана- "Обод маҳалла йили". Маҳаллалар - давлатимиз таянчи, халқимизнинг турмуши, маданияти, қадрияти,маънавиятини юксалтиришда асосий бўғин ҳисобланади . Бу борада олиб борилаётган ишлар юртимизга янада чирой бағишлайди. Яхши хулқ ва одоб, меҳр ришталари, оқибат каби туйғуларимиз ана шу масканларда комол топиб хонадонларимиз узра ёйилади. Гапнинг сирасини гапирадиган бўлсак, бу йилги Наврўз шодиёналари маҳаллаларимизда ўзига хос шакл шамойилларга эга бўлади.

Наврўз-янгиланиш ва яшариш фасли. У Ўрта Осиё, қолаверса, Шарқ мамлакатлари халқларининг қадимий байрами. Янги кун, янги йилнинг бошлани-ши—она табиатга чирой ва яшариш онларини хадя қилувчи айём.

Наврўз келди. Чаппар уриб гуллади боғлар... Ҳа-а, Наврўзнинг эшик қоқиши биланоқ хукмрон баҳор ёмғирлари майсаларга оро бера бошлайди.Олам узра ҳаққоният қўнғироқларининг овозлари таралади.

Қиш кўрпасида бурканиб ётган бутун борлиқ хаттоки етти қат осмон сайёраларининг сирли ёғдулари қулоқларимизга қўнғироқ чалади. Яратувчи ҳамал ойининг поёндозида гўзал нақшлар сеп ёза бошлайди. Соқий булутлар паға-паға кўч-кўронини елкалаб қир-адирлар узра қуёшда товланаётган майсаю лолазорларни шаффоф майидан баҳраманд қилади. Шамол булутларни у ёқ-бу ёқларга хайдаб, осмон йўлбарсимон момақалдироқни қаёқлардандир хайдаб келади. Яшин чақмоқ ила ёмғир шаррос челаклаб тўкилади. Камалаклар гоҳ у томондан, гоҳ бу томондан сеҳрли ёйини ташлаб ажойиб бир манзаралар кашф қилади. Ёмғир тиниши билан боғ-роғлар узра бир зумда қушлар тўпланишиб, баҳорни улуғлаб қўбизларини чала бошлашади.

Атрофга нигоҳ ташланг: саҳро ўтўланлар ва турли гуллардан либос кийган. Яшил далалар қишнинг совуқ эртакларидан ҳикоялар қилади.Баҳор сармастлигидан ширин хаёлларга чўмган. Оҳулар яшиллик сари интилиб қоялардан-қояларга сакрайди.

Азал-азалдан аждодларимиз Наврўзда кўнгил овлашган. Йилнинг янгиланиш арафасида ободончилик ишларининг бошида туришган.

Дарҳақиқат, бу йилги Наврўзнинг қадамидан нур кўринмоқда.У кишиларимиз ҳаётида алоҳида из қолдиради. Халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи янада яхшиланади. Маҳаллаларимиз бир-бириданн кўрк ёзади.

Ҳукуматимиз қарорлари, ҳаракат дастури ва лойиҳалари асосида истиқлол йўлларимиз мутақиллик шуъласидан баҳраманд. Наврўзи олам ҳам буюк келажагимизга сарбон бўлиб карвонга равон йўлни раво кўради. Босаётган қадамларимиз ўктам, қарашларимиз тиниқ...

**Турсун МАХМАДАЛИЕВ,**
**"Адолат" мухбири.**



**Тонгни илиқ қаршилаган Озода фарзандларини ишга, ўқишга жўнатар экан, баҳорнинг, Наврўзнинг шундай шукуҳли кунларига етишиб эл-юртга сидқидилдан хизмат қилаётганига минг бор шукроналар айлади. Унинг учун баҳор – айниқса, Наврўз жуда қадрли. Яратиш, яшнатиш фасли бўлмиш бу фасл қайсидир жиҳатлари билан онадек мўътабар, муҳтарам зотга жуда-жуда ўхшаб кетади. Баҳор, айниқса, Наврўз ўз файзу тароватни ила бутун оламни гуллатиб-яшнатгани каби она ҳам яратиш, яшнатишдек энг олий бахтга мушарраф бўлган. Баҳор, Наврўз билан онанинг орасида гўёки қандайдир уйғунлик, таъбир жоиз бўлса ўхшашлик бордек.**

**Мана, Озоданинг ўзи уч нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тараб камолотга етказди. Катта ўғли Бекзод прокуратура соҳасида хизмат қилади. Қизи Жамила Тошкент давлат юридик институтининг 3-курсида аъло баҳолар билан ўқиб, Юртбошимизнинг ва халқимизнинг ёшларга бўлган ишончини чин дилдан оқлашга ҳаракат қилаяпти. Кенжатойи Дилмурод ҳам муродига етиб, опаси ўқиётган институтнинг биринчи курсида билим олмоқда. Озода опа фарзандларининг камолидан доимо фахрланади ва уларнинг элимиз, юртимиз учун фидойи инсонлар бўлиб етишишларини хоҳлайди.**

**Озода Сотволдиева кўп йиллардан буён пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 1-сонли давлат нотариал идорасининг катта нотариуси сифатида халқимизга сидқидилдан хизмат кўрсатиб келаётган 16 нафар нотариусга бош-қош бўлиб, уларнинг самарали фаолиятини таъминлашга эришаяпти. Озоданинг ойига 500 нафардан зиёд мижозга холис нотариал хизмат кўрсатаётганлигининг ўзиёқ унинг аҳоли билан ишлашдаги бой тажрибага эга эканлигидан далолат бериб турибди.**

**СУРАТДА: катта нотариус Озода Сотволдиева иш пайтида.**

## НАВРЎЗ БУГУН

**Жам бўлинг, эй дўст қадрдон, тонг**
**наҳор Наврўз бугун,**
**Боғу тоғларни этишди майсазор**
**Наврўз бугун.**

**Бир-бирин кутлаб келишгай халқи**
**уммон тўпланиб,**
**Дошқозон тўлди ҳалимдан интизор**
**Наврўз бугун.**

**Янграгай сознинг навоси мовий**
**осмон тўлдириб,**
**Сеп ёзиб эркин диёрга кел, баҳор,**
**Наврўз бугун.**

**Чеҳралар гулгун ҳамиша, лабда**
**кулги беҳисоб,**
**Зарра йўқ кўнгилда қайғу, беғубор**
**Наврўз бугун.**

**Одатин этгай намойиш мард йигит**
**майдон аро,**
**Беллашиб топгай элинда эътибор**
**Наврўз бугун.**

**Қиз-жувон хандонлашибон**
**сузадурлар сумалак,**
**«Даврани кенгроқ олинг», –**
**дер дўсту ёр, Наврўз бугун.**

**Хишравий, кўнгилни ёзгин**
**бирлашиб халқинг ила,**
**Ҳикмату файзу нафосат бунда бор,**
**Наврўз бугун.**

**Аҳмаджон Жума ХИШРАВИЙ.**

*Партия ҳаёти*

## МАҚСАДЛАРИМИЗ МУШТАРАК

***Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар одамлар онги, дунёқараши, мухтасар қилиб айтганда, миллат менталитетини ўзгартирди. Бугун фуқароларимиз дунёга янгича нигоҳ, теран тафаккур билан қарашаяпти. Ўз ҳақ-ҳуқуқини англаяптигина эмас, балки талаб ҳам қилаяпти. Ўзбекистон ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлида ортга чекинмаслик принципи асосида шаҳдам одимламоқда.***



**Шубҳасизки, қонун устувор бўлган демократик давлатда аввало, адолат, инсонпарварлик, ватанпарварлик тамойилларига амал қилинади. Бугунги кунда давлатимизнинг сиёсий сохада олиб бораётган ишлари ҳам дунё ҳамжамиятининг диққат-эътиборида. Эндиликда сиёсий партияларнинг мавқеи тобора ошмоқда. Ҳақли бир саволнинг туғилиши табиий:партиялар айни пайтда сиёсий куч сифатида етарлича шаклланганми? Улар ўз олдиларига қўйган мақсадларга қай даражада эришаяптилар?**

**Ўзбекистон "Адолат" социал демократик партияси Бухоро вилояти Кенгашининг биринчи котиби, профессор Раҳматилло Аҳмедов билан суҳбатимиз ана шу хусусда бўлди.**

— Иқтисодий, маънавий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда жаҳон андозалари даражасига чиқиш, жамиятда қонун устуворлигини,демократия тамойилларини қарор топтириш, халқ учун фаровон турмуш шароити яратиш, унинг эзгу орзуларини рўёбга чиқариш амалга оширилаётган ислохотларимизнинг асосий мақсадини ташкил этади,—дейди у биз билан суҳбатда. — Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, инсон манфаати олий қадрият ҳисобланган бизнинг мамлакатимизда унинг ҳуқуқ ва эркинликлари адолат тамойилига асосланган қонунлар билан кафолатлаб қўйилган.Чунки ҳуқуқий давлатнинг кўзи ҳам, сўзи ҳам қонун ҳисобланади. Демак, одамларнинг ҳуқуқий маданиятли, ҳуқуқий онгли, сиёсий билимдон бўлиши нафақат давр талаби, балки ҳаётий эҳтиёж ҳамдир. Шу ўринда бир мулоҳаза туғилади: сиёсий нуқтаи назардан савияси саёз киши парламент ёхуд партия фаолияти хақида қанақа тушунчага эга бўлиши мумкин? Зеро, Юртбошимизнинг таъбири билан айтганда ,"Биз адолатли, демократик жамият қурмоқчи эканмиз, бир ҳақиқатни асло ёддан чиқармайлик, тепадан туриб, махсус фармойиш ёки декрет билан жамиятда адолат ва демократияни ўрнатиб бўлмайди. Бу барчанинг бирдек иштироки, биринчи навбатда пешқадам зиёлиларимиз, турли сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари намояндаларининг, масъул хизматчиларимизнинг ғайрати, жасорати, ақл-заковати билан рўёбга чиқадиган мураккаб ишдир".

Икки палатали парламент тизимида сиёсий партияларнинг мақсад ва вазифалари, фаолият кўламининг мазмун-моҳияти муҳим аҳамият касб этишини ҳаммамиз яхши биламиз. Аммо бугунги кунда партияларнинг фаоллигини бунга етарлича даражада деб бўлмайди. Партия ўз фаолиятини қачонки қоғозларда эмас, амалда олиб борса, халқ орасига кириб борса, унинг оғирини енгил қилса албатта, халқ уни қўллаб қувватлайди.

Шу маънода айтиш лозимки партия Кенгашимиз ўзининг ташкилотлари билан вилоятимизнинг ижтимоий ҳаёти, иқтисодий ислохотларнинг амалга ошувида фаол иштирок этаяпти. 12 та туманда партия Кенгашлари ва қуйи бўғин бошланғич партия ташкилотлари иш олиб бормоқда.

Тўрт йилдан бери вилоятимиз бўйича ўтказилиб келинаётган "Мактаблар куни" тадбирида, тиббиёт ва соғломлаштириш йўналишидаги ишларда қатнашаяпмиз. Вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда чекка туманларда истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш тарзи, тиббий, маънавий ва ҳуқуқий тарғиботга оид таҳлилларни ўтказиш масъулияти ҳам бизнинг зиммамизда.Йил давомида маҳалла, қишлоқ фуқорлар йиғинлари, жойлардаги ўқув муассасаларида миллий истиқлол ғоялари ва маънавиятимизга бағишланган семинар ва ўқувлар ташкил этаяпмиз. Бундан ташқари юрагида мураккаб нуқсони бор бемор болаларни Тошкентда даволаниши учун шароитларни яратишда, уларнинг соғлигини тиклашда нафимиз тегаётганидан хурсандмиз. Ўтган йилги катта спорт анжумани -"Универсада-2002" тадбирида партиямизнинг иштироки алоҳида эътироф этилгани замирида ҳам машаққатли меҳнат мужассам. Бироқ бу билан барча ишларимиз жойида деган фикрдан йироқман.Чунки нафақат "Адолат" социал демократик партияси, балки бошқа сиёсий партиялар фаолиятида ҳам маълум муддат сокинлик ҳукмрон эди. Буни яқинда сиёсий партиялар вакиллари ва матбуот ходимлари билан бўлиб ўтган "Партиялар бормисиз, омонмисиз" деб номланган баҳс, мунозара, яъни, дебатда ҳам таҳлил қилдик. Тўғрисини тан олиш керак, сиёсий партиялар фаолиятида изланиш ва ташаббусни етарли деёлмайман. Чунки давр, қолаверса одамлар онги шу даражада тез ривожланиб, ўзгариб, янгиланиб бормоқдаки, назаримда сиёсий жараёнларда партиялар иштироки берилган имкониятлар даражасидан пастлигича қолмоқда.

Икки палатали парламентга ўтишга тайёргарлик жараёни сиёсий партиялар фаолиятида янги давр бошланаётганлигини кўрсатмоқда. Партияларнинг жамиятдаги ўрни, мавқеи кўтарилишига сабаб бўлди.Чунки энди сиёсий партиялар шунчаки, номигагина иш юрита олмайди. Улар фақатгина Олий Мажлис сессиялари ўтказиладиган чоғларда ёки сайловолди жараёнларидагина эмас, балки ҳаммавақт, ҳар қандай шароитда жамият ҳаётининг олдинги бўғинида бўлишга эришишлари шарт. Қолаверса, янги парламент таркибига ҳар бир фракциянинг қуйи палатада ўзининг муқобил қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиши ва муҳокамага киритиши лозим бўлади.Бунинг учун ўзига хос партиявий позиция, партияга хос салоҳият, ҳуқуқий маънавият, сиёсий-ижтимоий қудрат зарур.

Мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада такомиллаштиришда, қонун устиворлигини таъминлашда эркин, адолатли, демократик жамият, давлат қуришдек ўта муҳим вазифаларни бажаришда сиёсий партиянинг ҳам ўрни сезилиб туриши керак. Партия тарафдорлари, унга хайрихоҳ бўлган ижтимоий қатламлар, кенг жамоатчиликнинг қоғозда эмас, амалдаги ҳамкорлигини йўлга қўйиш лозим. Қолаверса, сиёсий партиялар ўртасида ўзаро баҳс-мунозаралар, муқобил таклифлар соғлом рақобатгина тўлақонли сиёсий ислоҳотларни амалга оширишимизда асосий мезонга айланади. Бугунги кунда вилоят партия ташкилотимизга 2500 нафардан ортиқ аъзо бирлашган. Бошланғич партия ташкилотларимизга келиб тушаётган аризалардан сафимизга ихтиёрий равишда киришни хоҳловчиларнинг аксарияти ёшлардир. Бироқ партия нуфузини ошириш, унинг халқ билан ошкора иш олиб боришини йўлга қўйиш сафимизнинг нафақат сон, балки сифат жиҳатидан шаклланишини ҳам тақозо этади.

2003 йил — "Обод маҳалла йили"да спорт-соғломлаштириш, хусусан, болалар спортини ривожлантиришга, республикада санитария-эпидемиологик вазиятни янада яхшилаш борасида бир қатор чора-тадбирларни белгилаб иш олиб бораяпмиз. Вилоятимизнинг Қоровулбозор, Олот, Қоракўл туманларида бўлиб, ёшлар муаммолари, маҳалла-мактаб ҳамкорлигига оид "Сен Ватанга не бердинг, ватандошим?" "Ўғлимнинг дўсти", "Қизимнинг дугонаси" мавзуларида амалий семинар машғулотлар ўтказиш ниятимиз бор. Бундан кўзланган Мақсад-турли тест сўровномалари, ошкора юзма-юз суҳбатлар орқали халқ ичига кириб бориш, уларни қийнаётган муаммоларни ўрганишдан иборат. Зеро, партия ва омма ўртасида пайдо бўладиган ҳар қандай тўсиқларни қуруқ ваъдалар эмас, амалий иш, ҳақиқий фаолиятгина синдиришга қодир.

**Суҳбатдош: Моҳира ШАКАРОВА,**
**"Адолат" мухбири.**

*Ўзбекистон-экспортга*

## "САМКОЧАВТО"ГА ХАЛҚАРО СЕРТИФИКАТ

***Дунёда автомобилсозлик саноати тараққий топган мамлакатлар билан рақобатлашиб жаҳон бозоридан муносиб жой олиш осон эмас. Чунки бозор, харидор янги-янги талабларни ўртага қўймоқда. Лекин бугун шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда тайёрланаётган турли русумдаги автомобиллар мукаммаллиги билан хорижий харидорларнинг ҳам эътиборини тортмоқда.***

Яқинда— Наврўз байрами арафасида Самарқанддаги "СамКочавто" ўзбек-турк қўшма корхонасига халқаро сертификат топширилди.Бу шуни англатадики, корхона маҳсулотларига энди ҳамма жойда йўл очиқ. Дунёнинг исталган мамлакати билан шартнома имзолаш, маҳсулот етказиб бериш мумкин.- Халқаро экспертлар суло-ласи харидорлар учун кафолат бўлиб хизмат қилади.



Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб халқаро сертификатга лойиқ топилган "СамКочавто" қўшма корхонасида илк автомобиль ишлаб чиқарилганига бугун 4 йил тўлди.Шу вақт мобайнида завод мавжуд технологияларни такомиллаштириш, бозор талабларини ўрганиш йўлидан бориб сезиларли ютуқларга эришди. Ҳозир бу ерда турли русумдаги "ЎзОтайўл" автобуслари, юк машиналари ишлаб чиқарилмоқда.Ҳозиргача харидорларга 1864 та ана шундай автомобиллар сотилди.Шунинг салкам 400 таси ёки 20 фоизи экспортга жўнатилди. Ҳамдўстлик мамлакатлари, хусусун Россия, Украина давлатлари "СамКочавто" машиналарининг ишончли харидорига айланган. Негаки қўшма корхона машиналари бу мамлакатларнинг ноқулай йўл ва об-ҳаво шароитларида яхшигина синовдан ўтди.

**(Давоми 2-бетда).**

*Хўжалик судлари фаолиятидан*

## ЯНГИ ЎҚУВ МАРКАЗИ

***Жиззахда Олий хўжалик суди ва вилоят хўжалик суди билан ҳамкорликда хўжалик юритувчи ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий савияси ва онгини оширишга қаратилган қатор анжуманлар ўтказилиб келинмоқда. Яқинда Жиззах вилоят хўжалик суди қошида «Хўжалик ҳуқуқи» янги ўқув маркази ишга тушди.***

Марказнинг ишга тушишида Олий хўжалик суди раиси М. Абдусаломов ҳамда вилоят ҳокими У. Яманқуловларнинг ёрдами катта бўлди. Ушбу марказ мулкчиликнинг шаклидан қатъий назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари, солиқ, банк, бухгалтерия, иқтисодчи, ҳуқуқшунос ходимлар, тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарлари учун ташкил этилиб, уларга ҳуқуқий маслаҳат ва сабоқлар, амалий ёрдам беришади. Марказ бугун шаҳар ҳокимлигида рўйхатдан ўтказилган ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи барча кишиларга бепул хизмат кўрсатади. Янги жамоанинг яна бир ўзига хос томони шундаки, республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳали бундай марказ ташкил этилган эмас.

Марказда хўжалик қонунчилиги, шартномавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларига доир ўқув машғулотларини вилоят хўжалик суди судьялари, юқори малакали мутахассислар, шунингдек, адлия, банк, солиқ, божхона ходимлари, вилоят фонд ва товар биржалари мутахассислари олиб боришади. Машғулотларга ҳуқуқшунос ва иқтисодчи олимлар жалб этилади. Тингловчиларга ўқув курсларининг якунида марказнинг сертификатлари топширилади.

**Гулмира СУЮНОВА,**
**«Адолат» мухбири.**

## ЕТТИ ИҚЛИМ САДОСИ

АҚШ ва Буюк Британия томонидан Ироққа нисбатан бошланган ҳарбий амалиётлар «Ироқ озодлиги» дея ном олди.

Бу амалиётлар дунёнинг 45 давлати томонидан қўллаб-қувватланмоқда. БМТ Хавфсизлик Кенгашига аъзо саналган Франция мазкур амалиётларга қарши чиқаётган бўлса-да, Ироқ томонидан оммавий қирғин қуроллари ишга солинган тақдирда Париж иттифоқчиларига ёрдам беришини маълум қилган. Шунингдек, дунёнинг етакчи давлатларидан саналган Япония ҳам Оқ уй позициясини қўллаб-қувватлади.

Ироқдан БМТга қарашли 200 га яқин халқаро инспекторлар олиб чиқиб кетилди. Мамлакатда ҳарбий ҳолат эълон қилинган. Гарчи, Саддам Ҳусайн Оқ уй ультматумини бажариб, мамлакатдан чиқиб кетса ҳам, иттифоқчилар оммавий қирғин қуролларини излаб топиш мақсадида Ироққа кирадилар.

Айни пайтда АҚШ ва Буюк Британия самолётлари Боғдод ва Басра шаҳарларини бомбардимон қилмоқда.

* * *

**АҚШ ва Буюк Британия самолётлари Ироқнинг жанубий шарқий қисмига икки миллиондан зиёд варақалар ташлади. Варақаларда таъкидланишича, қўшинлар тинч аҳолига зиён етказмайди.**

**Шунингдек, варақаларда Саддам Ҳусайннинг Ироқ аҳолисига қарши кимёвий қуролларни қўллаши мумкинлиги айтилади. Ҳарбийларга тарқатилган варақаларда Президент буйруқларига бўйсунмаслик ва оммавий қирғин қуролларини ишга солмаслик ҳамда нефт конларини ёндирмасликка даъват этилади.**

* * *

Британия полициясининг маълум қилишича, уч киши ҳибсга олинган. Уларнинг ёнидан иккита бомба топилган. Қамоққа олиш Лондондаги Гэтвик аэропорти яқинидаги уйларда амалга оширилган. Полиция уларнинг квартираларида тинтув ўтказмоқда.

* * *

**Америка киноакадемияси вакиллари Ироқ билан уруш бошланганига қарамасдан якшанба куни «Оскар» мукофотини топшириш маросимини ўтказилишини маълум қилишди.**

**Фақат бу гал меҳмонларга зал орқали ўтиб келинадиган жойга «қизил поёндоз» тўшалмайдиган бўлди.**

* * *

Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арофат Бош вазир лавозимини ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжатга имзо чекди.

Бундан аввалроқ Бош вазир вазифасини Фаластин парламенти маъқуллаган эди. Бундан буён Бош вазир ҳукумат вазирларини ишга қабул қилиш ва озод этиш ваколатига эга бўлади. Бу вазифага эса Ёсир Арофат Фаластин Озодлик ташкилоти раҳбарларидан бири Маҳмуд Аббосни таклиф этиш ниятида. Бироқ аввалроқ Арофат ва парламент аъзолари ўртасида келишмовчиликлар юзага келган бўлиб, унда Ёсир Арофат ҳукумат аъзоларини тайинлаш ва озод этишни ўз қўлида сақлаб қолишга урйнган эди.

# КЕЛДИ НАВРЎЗИ ОЛАМ, ЎЛКАМНИ ПАРДОЗ АЙЛАДИ

## ЮРАКЛАРДАН ЎЧМАГАН БАЙРАМ

### ёки «УЧ ОҚШОМ» ҲИКОЯСИ

***Мен Наврўзни ноҳақдан бадарға қилинган, лекин вақти-соати етиб, адолат қарор топгач, ёруғ юз билан ўз уйига қайтган жафокаш фарзандга қиёс қиламан... Шу ҳақда ўйлар эканман, бу муборак кун билан боғлиқ бўлган бир неча воқеа хаёлларим кўзгусида жонланаверади.***

1985 йил, Қашқадарё. Ўша йили Наврўзни Косоннинг Некўзида, дўстимиз Абдулла Ориповнинг яқинлари даврасида қаршилашимизга тўғри келди.

...Жанубда баҳор ҳийла эрта бошланади. Абдуллажонларнинг кенг, баҳаво ҳовлисида ҳам олмалар оппоқ гуллаб, қизалоқлар ям-яшил новдалардан толпопук тақиб ўйнаётган кезлар эди. Шоирнинг акаси Абдуҳалил ака мўъжазгина колхозга раҳбарлик қиларди. Айни ушбу кунлар Қашқадарё воҳасини Гдлян чигирткалари босиб олган бўлиб, ҳаммаёқни кавлаб-титкилашар ва еб-кемиришда давом этарди. Абдуҳалил акага ҳам бўлмағур айблар қўйилиб, уни тез-тез терговга чақиришиб туришарди.

Шоирнинг отаси, ўша пайтларда саксонни қоралаб қолган Ориф бобо билан қуюқ саломлашдик.

– Бугун Тошкентдан дўстларингиз Абдулла ҳам келиб қолиши керак, – деди Абдуҳалил ака олдимизга дастурхон ёзар экан, – иложини топди дегунча туғилган кунини ўз она қишлоғида кутиб олиш учун бағримизга интилади.

Ҳа, Наврўз – 21 март Абдулла Ориповнинг туғилган куни эканлиги ва машҳур шоиримиз бу ерга келиб қолиш эҳтимоли борлигини яхши билардик ва аслида шу илинжда келган эдик.

Бир пиёла чой устида суҳбатимизни давом эттирдик. Мен билан бирга келган доктор дўстим бироз қизишиб гап бошлади:

– Аслида Абдуҳалил акамнинг колхози бошқа хўжаликлар олдида мўъжазгина, ўзига тўқ, одамлари аҳил колхоз. Неча-неча йиллардан бери илғорлар сафида. Тушунолмайман, бу ерда қандай кўзбўямачилигу фирибгарлик бўлиши мумкин? Ўша Москвадан келиб «текшир-текшир» қилаётганлар аслида Абдуҳалил акам орқали Абдулла акамга ҳамла қиляптилар. Ҳа, уларнинг мақсади – ўзбекнинг фахри, ғурури, ифтихори бўлган шоирни бадном қилиш. Мабодо акасининг номи ёмонга чиқса, укасининг ҳам йўли тўсилади.

– Аслида ўзбекнинг энг катта байрами авваллари Наврўз бўларди, – гап мавзуини бошқа томонга бурди Ориф ота, – энди келиб асосий байрамларингиз маю октябрь бўлиб қолди. Бироқ Наврўзни ҳам ўгайлатиб қўймanглар.

Йўқ, ўша куни шоир ўз она қишлоғига келолмади, лекин шириндан-ширин қўшиғи унинг йўқлигини билдирмади. Фараҳбахш оқшом чўккач вилоят марказига қайтар эканмиз, машинамиз радиосидан Икромжон Бўроновнинг шоир шеъри билан жарангдор, тиниқ овози ила айтиладиган қўшиғи дилларимизга ажиб бир хушнудлик бағишлади:

**Умрим бўйи чорлаб ўтарман,**
**Сен баҳорни соғинмадингми?...**

Абдуҳалил аканинг тақдири нима бўлди, деб сўрарсиз. Йўқ, уни маҳв этишга гдлянчи газандаларнинг қўли калталик қилди...

* * *

Наманган, 1991 йил. Бу Наврўзни наманганлик таниқли шоир дўстимизникида кутиб олдик. Унинг уйида Саудия Арабистонидан келган меҳмонлар бор экан. Меҳмонларнинг ота илдизи Наманган бўлиб, Абдуваҳоб ва Абдуқодир исмли ушбу набиралари боболарининг қабрларини зиёрат қилгани келишибди. Улар шу кунлари нишонланаётган Наврўз шодиёнаси тантаналарини кўришибди.

– Бу йил хосиятли йил бўлади. Сабаби дейсизми? Яшаётган йилимизнинг рақамларига аҳамият беринг бир минг тўққиз юз тўқсон биринчи йил. Рақамлари ўн тўққиз ва тўқсон бир. Кўряпсизми, бир ва тўққиз рақамлари бир-бирини такрорлаяпти, қўшалоқ келяпти. Қадимий китобларда айтилишича, бундай йилларда жамият ҳаётида катта тарихий ўзгаришлар бўлиб ўтармиш...

Ҳа, ўшанда ҳамма нарса ўзи омонат турганди. Бутун Туркистон осмонида озодлик шабадасининг ҳиди яққол сезилиб қолган эди. Бугун бўлмаса эртага қаттиқ бир момақалдироқ янграши она юртимиз бир силкиниб, елкасидаги чангни қоқиб ташлаши ва қадди-бастини дадил кўтариб олиши яқинлашиб қолган эди.

Меҳмонларнинг башорати тўғри чиқди ўшанда. Кейинги Наврўзни биз энди мустақил юртимизда мусаффо, озод осмон остида, ҳеч нарсадан ҳадиксирамай, чўчимай, ҳақиқий байрамдек кутиб олдик!

* * *

Хоразм, 2002 йил. Амударёнинг шундайгина биқинида жойлашган «Боғот» жамоа хўжалигининг дам олиш оромгоҳи – чорбоғдамиз. Хўжалик раҳбари – Ўзбекистон Қаҳрамони, эски қадрдонимиз, дилкаш инсон Машариф оға Кувоқов қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ишлар ҳақида биз, журналист меҳмонларга бирма-бир ҳикоя қилиб беради. Майли, кундалик ишлар – ўз йўлига, лекин мен бир нарсани яхши биламан, ҳар бир Наврўз машҳур раис учун ўзгача бир байрам. Худди мана шу куни оға ўзининг тўқсонларга бориб, бир тутам бўлиб қолган онасини машинасига ўтказади-да, қишлоқ кўчалари бўйлаб айлантириб чиқади. Онанинг кўнгли ўрнига тушади. «Раҳмат, ўғлим, – дейди у, – сен ишончимни оқладинг. Сендан минг-минг розиман».

Ўттиз йилдан бери мана шу анъана давом этади. Сабабини эса ўтган сафар келганимизда Машариф оға изоҳлаб берганди:

– Даҳшатли уруш йиллари биз отамиздан айрилгач, оилада онам ва уч фарзанд қолдик. Ҳаммамиз ёш эдик. Замон эса жуда оғир эди. Лекин қишлоқдошларимизнинг аҳиллиги, иноқлиги, одамийлиги қўл келди бизга. Ҳамма-ҳамма: қўни-қўшниларимиз, танишлар ҳам, нотанишлар ҳам оиламизга яқиндан қарашиб юборди. Онам уззу кун тинмас, чеварчилик билан шуғулланарди. Биз бир амаллаб қишлоқдошларимизнинг кўмагида ўша оғир кунлардан чиқиб олдик. Ана ушанда онам менга бир гапни тайинлаган эди: «Мободо бир кун келиб ушбу қишлоқдошларимизнинг бир кунига ярайдиган бўлсанг, уларга умр бўйи хизмат қил. Биз улар олдида абадий қарздормиз. Уларга бир умр беминнат хизмат қилсанггина мен сендан рози бўламан...»

Ҳамма яхши билади: Машариф оға «Боғот» жамоа хўжалигини деярли чорак аср давомида бошқарди. Уни мамлакатимиздаги энг намунали хўжаликлар қаторига олиб чиқиб, республикамиз Президентининг назарига тушди, Хўжалик меҳнат аҳли унинг қўл остида тўқ-фаровон ҳаёт кечира бошлади. Кунлардан бирида, худди мана шундай Наврўз айёмида она илк бор ўғлининг машинасига ўтирганча, қадрдон қишлоғининг жамолини томоша қилди, одамлар ҳаёти билан танишди ва «Раҳмат, ўғлим, мен сендан розиман» дея кўзида ёши билан...

Дунёда она дуосидан табаррук ва азиз ҳеч нарса йўқ: кўп ўтмаёқ Машариф оғанинг буюк хизматлари ўз қадр-қимматини топиб, унга Хоразм воҳасида биринчи бўлиб «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилди.

...Шу йил бошида эса Амударё қирғоғидан бизга мусибатли хабар етиб келди: Машариф оға кўққисдан оламдан ўтибди... Кўп ўтмай унинг номи ўзи кўп йиллар раҳбарлик қилган «Боғот» жамоа хўжалигига берилганини билиб, қалбларимиз бироз таскин топди. Ушбу чизгиларимиз қадрли оғамизнинг хотирасига қўйилган кичик бир шамчироқ бўлиб қолса, ўзимизни бахтли ҳис қиламиз.

Бир вақтлар календарлардан ўчирилган, бироқ юрагимиздан ўчирилмаган Наврўз эса бугун юртимизга яна кўклам либосини ёйди.

**Қодиржон СОБИРОВ.**

### Барҳаёт умумбашарий қадриятлар

**Завқ ила тўлиб диллар,**
**уйғонди бутун гуллар,**
**Хуш исли ҳавосида хўб**
**келди шинам Наврўз.**

Наврўз навоси – кўнгил давоси дейилишига асос нима? Наврўзнинг кўнгилга қандай алоқаси бор. Гап шундаки, ҳар бир халқнинг ўзига хос бўлган ўтмишини бугуни билан боғлаб турадиган ўлмас ва бетакрор қадриятлари бўлади. Айни шу қадриятлар худди виқорли тоғлардан жўшиб, шошиб, оқиб келаётган дарё ирмоқларига ўхшайди. Чунки бундай дарёларнинг суви ҳаётбахшлиги, тозалиги билан бошқа сувлардан фарқланиб туради. Бу зилол булоқ сувига ўхшаш, кўнгил дардларига даво бўлади. Бундай оромбахш ва шифокомил бахшида этадиган сувлар, ҳар қандай дардни даволай олади, уни ичган одамларга куч-қувват бағишлаб, кўнгилларга жаннатий кайфият, руҳий озуқа бера олади.

Зеро, Наврўзнинг навоси мозийда шундай бўлган. Йил давомида ҳам ботиний, ҳам зоҳирий ғуборларга ботган кўнгиллар дилхушлиги, сайиллар оромгоҳида олам-олам қувончларга бурканиб, жисман ва маънан Наврўз айёми кунларида покланиб, ҳаловат ҳузурларига бурканади. Чарчоқ ва ҳорғин кўнгиллар Наврўз кунларида минг дардга даво бўладиган навбаҳорнинг тансиқ таомларидан, дилрабо куй-қўшиқларидан баҳра олиб, бардамлашиб тетиклашади.

Наврўзнинг хосияти ва барокати шундаки, илик энди узилай-узилай деганида, яна уни қайта қувватга киритади. Қалблар ва кўнгилларга қўнган чанг, ғуборлардан уни тозалайди. Наврўз чин маънода, Янги йил, янги кун ҳамдир. Табиатнинг даврий жонланиши, тун билан куннинг тенгланиши Наврўзга боғлиқдир. Наврўздан ҳамма нарса амалга киради. Деҳқон ва чорвадорларнинг ҳам юмушлари, экин-тикинлар, барча-барчаси айни Наврўз кунларидан бошлаб ҳаракатга киради. Наврўздан бошланган ишларнинг самараси эса маъмурчиликка замин яратади. Одамларнинг соғлиги, тўқлиги ва бутлиги Наврўз юмушларига боғлиқ бўлган.

Яқин Шарқ, Кавказ ва Ўрта Осиё халқлари тақдирида Наврўзнинг тутган ўрни беқиёслиги ҳам бу ҳудудларда яшаётган халқларнинг умумбашарий қадриятларига айланиб қолганлигидир. Не-не замонлар, не-не жамиятлар келиб кетсада, Наврўз, қарийб бир неча минг йилдан буён яшаб келаётир. Унинг ўлмаслиги ва боқийлиги шу минтақаларда яшаётган халқлар




қадриятининг тимсолига айланиб, мустаҳкам ўрин олганидадир.

Наврўз аждодларни авлодлар билан боғлаб туради. Наврўз ҳисоби эса йилларни, фаслларни бир-бирига боғлайди. Энг қадимий йилнома ҳам аслида шу Наврўз ҳисобидир. Аслида мучал ҳисобида биз ёшимизни аниқлаб оламиз. Ҳижрий-шамсийда эса деҳқончилик ва чорвачилик юмушларини юритамиз.

Наврўз навоси – кўнгил давоси дейилишининг асосий сабаблари нималардан иборатлиги юқоридаги мулоҳаза ва қайдларимизда ўз ифодасини топгани рост. Шу боис ҳам қадим-қадимдан Наврўз айёмига катта ҳозирлик кўрилган ва уни шоду-хуррамлик билан байрам қилишган.

Мозийда Наврўз байрами бошланадиган кунлар жуда ажойиб бўларди, – дейди 95 ёшли Қодирали бобо Раҳматов. – Эрта тонгдан карнай-сурнай, ноғора ва доиралар чалиниб, махсус чорловчилар халқни Наврўз байрами билан табриклашар эди. Улар минган от-уловлар наврўзона безатилган бўларди.Масхарабозлар, аскиячилар чиқишлари, санъаткорларнинг куй-қўшиқларини айтмайсизми?! Азалда, ўша даврлар анъанасига кўра, махсус жойлар ҳозирланиб, у ерга ҳокиму ҳукамолар, вазиру вузаролар карнай-сурнай садолари остида кириб келишганлар. Оппоқ махсус кигизлар устига кўрпачалар тўшалиб, унинг устига нуфузи бўйича амалдорлар ўтиришган. Дастурхонлар очилиб, унга турфа хил Наврўз таомлари сумалак, ҳалим, кўкат сомсалар қўйилган. Хуллас пазандалар ўз ҳунарларини кўрсатишган. Бу ерда ҳарбий қўшин қўмондонлари ҳам ҳозир бўлишарди. Айни бир пайтда подшоликка келган чет эллик азиз меҳмонлар, элчилар, ваколатланган обрў эътиборли, нуфузли мўътабар зотлар ҳам подишоҳ таклифига кўра Наврўз маросимида иштирок этишга таклиф этиларди.

Наврўзга бағишлаб мушоиралар, пайровлар ўтказилар, хонанда ва созандалар санъатидан баҳраманд бўлинарди.

Наврўз сайилгоҳларида дорбозларнинг, қизиқчиларнинг чиқишлари, полвонларнинг кураш мусобақалари ўтказилар, ғолиблар эса Наврўзнинг махсус совғаларини олишга муяссар бўлишарди. Бошқа томошагоҳларда кўпкари, пойга мусобақалари ўтказиларди, – дейди Қодир бобо.

Қорақалпоғистон республикасининг Амударё тумани Манғит шаҳрида яшовчи Чоршам Рўзиев:

– Наврўз айёми кунларида, сайлгоҳларда қўчқор, серка, хўроз, бедана, ҳатто ит уриштириш мусобақалари ўтказиларди. Болакайлар эса тухум уриштиришарди. Сайлгоҳлар бозор тусини олиб, ҳунармандлар Наврўзга атаб тайёрлаган буюмлари ва маҳсулотларини олиб чиқишарди. Ёшлар эса сайлгоҳларда юришиб, ўзларига қайлиқ танлашардилар, – дейди.

– Наврўзнинг аҳамиятли томони шундаки, – дейди Сурхондарё вилоятининг Денов шаҳрида истиқомат қилувчи Тожихон момо Ходиева. – Наврўз озодалик ва орасталик байрами. Шу билан бирга Наврўз кунларида аразлашлар, гина-гудратга берилганлар кечириларди. Етим ва есирларга, муҳтож ва қаровчиси йўқ ёлғиз кишиларга ҳиммату мурувват кўрсатиларди. Бетоб ва беморлар ҳолидан хабар олинарди. Умуман олганда Наврўз айёми кунларида кўнгиллар овланиб, савобга дахлдор ишлар қилинган.

Жиззахлик Мели ота Норматовнинг ёшлари 75 да бўлса-да, у кишининг Наврўз ҳақидаги мулоҳазалари янада диққатга моликдир.

– Икки асрни ва икки жамиятни кўрган шу юрт фарзанди сифатида шуни фахр билан айтаманки, Наврўзимиз ўтган давр мобайнида Шўро жамиятининг ҳақорат ва таъқибига ҳам учради. Наврўзларимизга айрим фирқа намояндалари диний тус бериб, ҳатто унинг минг-минг йиллик Наврўз деган ҳақиқий номини «Навбаҳор» деб ўзгартирмоқчи ҳам бўлишди. Ўтган асрнинг охирида биз мустақилликни қўлга киритдик. Айни бир пайтда Наврўзимизга ҳам ҳурриятнинг зарбоб тўнини кийгизиб қўйдик. Наврўз яна қадр топди, ўзбек халқи эътибор қилган Наврўзи билан фахру ифтихор туйғуларини ҳис этди, – дея ўз сўзларига якун ясайди Мели ота.

Наврўз оламни яшнатадиган, одамларни ёшига яна ёш қўшиб, уларни улғайтирадиган, айниқса хонадонларимизга файзу барокот олиб кирадиган – улуғ айёмдир. Бу айём шукуҳи ва тароватi шодлик, бахт-омад, тинч-тотувликка замин яратсин. Бугунимиз ва нурли келажагимиз ҳар доим нурафшон бўлсин. Барчамизга Наврўзи олам – янги йил ва мучал йили – қўй йилининг бошланганлиги муборак бўлсин.

Илоҳо, ҳар бир кунимиз Наврўз бўлсин.

**Абдулҳамид ХАБИБУЛЛАЕВ, доцент.**

## БАХТУ ИҚБОЛ ЭШИГИН ОЧСИН

**Наврўз келди, ажиб нашъу намолар келди,**
**Олам тўлиб хушбўй-хушбўй ҳаволар келди.**
**Гулга тўлган боғу-роғлар, қир-адирлардан,**
**Юракларга малҳам бўлган наволар келди.**

**Замин яйраб жилғаларнинг шўх кулгусидан,**
**Бойчечаклар кўз очдилар ноз уйқусидан,**
**Қизларжоннинг чучмомадек тиниқ юзлари,**
**Қизғалдоқдек лов-лов ёнди ишқ туйғусидан.**

**Гул-ғунчалар ёноғидан олиб бўсалар,**
**Не бахт, кўкнинг томчилари бир-бир томсалар.**
**Ярашгайдир она халқим ризқ-рўзи бўлиб,**
**Девор ошса сумалагу кўкат сомсалар.**

**Юртдошларим, Наврўзингиз муборак бўлсин,**
**Тугал бўлган ризқ-рўзингиз муборак бўлсин!**
**Сизни асло тарк этмасин баҳор севинчи,**
**Ҳар кунингиз эзгуликдан бир дарак бўлсин!**

**Чўпон бобо, яйловларинг қўйларга тўлсин,**
**Деҳқон бобо, хирмонларинг ойларга етсин.**
**Дастурхони мудом очиқ эй, азиз халқим,**
**Топганингиз байрамлару тўйларга кетсин.**

**Бошингиздан табиат бор гулларин сочсин,**
**Оилангиз осмонидан булутлар қочсин.**
**Кучоқ очиб, пешвоз чиқинг гўзал Наврўзга,**
**Баҳор сизга бахту иқбол эшигин очсин!**

**Зикрилла НЕЪМАТОВ.**

## "САМКОЧАВТО"ГА ХАЛҚАРО СЕРТИФИКАТ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Самарқандлик автомобилсозлар саноатни локализациялаштириш яъни маҳаллийлаштириш йўлидан бориб бугун эҳтиёт қисмларининг 30 фоизини шу ерда тайёрлашга муваффақ бўлишмоқда. Бу борада уларга "Стеклопластик", "Кинап" банд. Халқ хўжалигининг эҳтиёжидан келиб чиққан холда бу ерда автомобилларнинг янги хилларини ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўрилмоқда. Хусусун Германия автомобилсозлик фирмалари билан ҳамкорликда ўт ўчириш машинасининг синов нусхаси яратилганлиги фикримизнинг далилидир.





сингари маҳаллий корхоналар яқиндан ёрдам бермоқда.Бу эҳтиёт қисмларни четдан харид қилишда ишлатиладиган валюта маблағларини тежаш билан бирга вилоятнинг ўзида кўплаб қўшимча иш ўринлари яратиш имконини бермоқда.

Мухандислар айни пайтда янги изланишлар билан

**Суратларда: 1. Корхона стандартлаштириш ва сертификатлаштириш бўлими бошлиғи Мансур Таганов. 2.Бош директор ўринбосари Мўмин Олимов ва бош ҳисобчи Сарвар Раҳматуллаев хориждан тушаётган буюртмаларни ўрганишмоқда.**

**3. Аудит хизмати раҳбари Руслан Таганов, муҳандис Пётр Мишчук ва "Сифат-Консалтинг" маслаҳатчиси Натаъя Алиева халқаро сертификатни намойиш этишмоқда.**

**Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ, «Адолат» мухбири.**

## БАЙРАМГА ТУҲФА



***Бу йилги Наврўз байрами Сирдарё вилоятининг Оқ олтин туманидаги «Сардоба» пахта тозалаш заводи очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти учун қутлуғ келди. Жамоа аҳли айёмни меҳнатда қувончли натижалар билан кутиб олдилар.***

Бугунгача ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 85 фоиздан ортиғи чет элга экспорт қилинди. Ўзбекистон билан ҳамкорликда ишлаётган ўндан зиёд мамлакатларга 2740 тонна пахта толаси етказиб берилди. Уларнинг орасида Италия, Англия, Швецария, Эрон, Россия каби ҳамкорларимиз бор.

Ҳиссадорлик жамиятида маҳсулот ишлаб чиқариш салмоғи ортиб, сифати яхшиланиб бормоқда. Шу туфайли самарадорлик юқори бўлмоқда. Толанинг чиқиши 31,1 фоизни ташкил этаяпти. Ўтган йилни 3,9 миллион сўм соф фойда билан якунлаган жамоада бу йил ҳам мазкур кўрсаткични янада юқори бўлиши кутилмоқда. Олинган фойда соҳани ривожлантириш билан биргаликда ишчи-хизматчиларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтирилаяпти. Яхши ишлаганларнинг меҳнати қадрланиб, рағбатлантириб борилмоқда. Иш ҳақлари ҳам ошяпти. 2001 йилда ҳар бир ишловчи ҳисобига ойлик ўртача иш ҳақи 31 минг 975 сўмдан тўғри келган бўлса, айни пайтда бу кўрсаткич 39 минг 335 сўмни ташкил этмоқда.

Яхши ишлаганга байрам ярашади. Ҳиссадорлик жамияти маъмурияти байрамни ўзига хос тарзда нишонлаётир. Ўндан зиёд уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийларига совға-саломлар улашилиб, етим-есирлар, ногиронлар, ёлғиз қарияларнинг ҳолидан хабар олинди. Жамоанинг ўзида байрам дастурхони ёзилиб, ишчи-хизматчилар байрам шодиёналарининг шоҳиди бўлишди.

**Суратларда: ҳиссадорлик жамияти ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Ойбек Раҳмонов (ўнгда) ишчилар Ҳакимжон Шашаев ва Рустам Тўраев билан тайёр пахта толасини жўнатишга ҳозирлашмоқда; товаршунос Давлат Мирзашаев ва бригадир Рашид Бердиёров иш пайтида.**

**Каримжон РИХСИЕВ олган суратлар.**

## НАВРЎЗ

**Кун билан тун тенг бўлиб**
**Юрт ўзра Наврўз келди.**
**Кўкламнинг нафасини**
**Айлаб сарафроз келди.**

**Чеҳрасидан нур эниб**
**Гул-чечак тақиб келди.**
**Истиқболдан дараклаб**
**Меҳр ила балқиб келди.**

**Бу кун баҳор куёши**
**Буржи ҳамалга кирар.**
**Даладаги экинлар,**
**Энди амалга кирар.**

**Халқ шодон кутиб олар**
**Илдамдир қадамлари.**
**Покликни қалбга жойлар**
**Соф ният одамлари.**

**Сумалаклар баҳона**
**Бедор ўтсин тунимиз.**
**Ҳар дам омон бўлайлик**
**Наврўз бўлсин кунимиз.**

**Азамат СУЮНОВ.**

## ҲАР КУНИНГИЗ БАЙРАМ БЎЛСИН!

***Ҳаётимиздаги бу мушкулот энди бутун умрга қийнаса керак деб ўйлардим. Республика кўз касалликлари шифохонасига олиб келинганимдан кейин шифокорларнинг ширин муомилалари яримта кўнглимни кўтариб юборди.***

Бош шифокор Клара Валиевнанинг ширинсуханлиги, тилидан бол томадиган профессор Холдибек Комилов ва унинг шогирдлари Наргизахонлар ҳам улардан қолишмасди. Жон десанг жонини ҳам бериб юборишга тайёр Барнохон Маҳкамова, Лазизахон Шоисломова, Раҳимжон Усмоновларнинг кўрсатаётган меҳрибончиликларидан дилимиз яйраб кетарди. Уларга қараб:

– Сизларга шундай тарбия берган ота-оналарингга минг раҳмат, деб дуо қилардим. Атрофимизда туну кун гирдикапалак бўлиб тинмайдиган Гулноза Фозилова, Феруза Умарова, Муҳайё Зиёева, Гулчеҳра Шокировалардек ажойиб ҳамшираларни айтмайсизми.

Ҳалқимизда: «дардни берган Оллоҳ шифосини ҳам беради», деган ажойиб нақл бор. Шифокорларнинг елиб-югуришлари ўз самарасини берди. Мен дарддан фориғ бўлдим. Ишқилиб, эл хизматидан ҳеч қачон чарчаманглар, оқ кийимли, оқ кўнгилли халоскорлар.

**Ражаб ҲАМИДОВ, нафақахўр, Иштиҳон шаҳри.**

# Ўзбекистон “Адолат” социал демократик партияси Сиёсий Кенгаши



*сафдошларимизни,*

*юртимизнинг барча фуқароларини*

## БАҲОР ВА БАХТ АЙЁМИ - НАВРЎЗ

*байрами билан*

**чин дилдан муборакбод этади**

*Наврўз кунларидаги шодиёналик, ўзаро ҳамжихатлик, меҳру оқибат Сизларни ҳеч қачон тарк этмасин!*


РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ—

## «ҒАЛЛАБАНК» БОШҚАРУВИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ
ШУ ЖУМЛАДАН, ЎЗ МИЖОЗЛАРИ ВА
АКЦИЯДОРЛАРИНИ, ҲАМКАСБЛАРИНИ

## НАВРЎЗ БАЙРАМИ БИЛАН

**ЧИН ҚАЛБДАН ТАБРИКЛАЙДИ**

*АЗИЗ ЮРТДОШЛАР БАРЧАНГИЗГА БОҚИЙ УМР, ТИНЧЛИК, ОМОНЛИК, БАХТ-САОДАТ ҲАМИША ҲАМРОХ БЎЛСИН!*

ҚУТЛУҒ ХОНАДОНИНГИЗДАН ФАЙЗУ БАРОКАТ АСЛО АРИМАСИН! КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ-ЎЗБЕКИСТОНИМИЗНИНГ ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИДАГИ ИШЛАРИНГИЗДА СИЗЛАРГА ҲАМИША ОМАД ЁР БЎЛСИН!

***«ҒАЛЛАБАНК» – ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН !***




ҲАЛҚАРО СИФАТ УЧУН ЎТКАЗИЛГАН КЎРИКЛАРНИНГ
"ОЛТИН ЮЛДУЗ" МУКОФОТЛАРИ СОВРИНДОРИ
ТОШКЕНТДАГИ
"ФАРМЕД"
ХУСУСИЙ ФИРМАСИ




ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭНГ ГЎЗАЛ ВА
БЕТАКРОР БАЙРАМИ-
НАВРЎЗ АЙЁМИ БИЛАН
БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ
ЧИН ДИЛДАН САМИМИЙ
МУБОРАКБОД ЭТАДИ




ҲАР-БИР ОИЛАГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК,
БАХТ ВА ШОДЛИК, ХОНАДОНЛАРГА
ТЎКИН-СОЧИНЛИК ВА ФАРОВОНЛИК
ТИЛАЙДИ!

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН,
АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!


*«Адолат» меҳмони*

# ДОИМО ГЎЗАЛ, СЕВИМЛИ БЎЛСИНЛАР

***дейди Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикалари халқ артисти, Олий Мажлис депутати Муяссар РАЗЗОҚОВА***

***Муяссар Раззоқова – 1964 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида туғилган. Мактабни олтин медал билан битирган. Ёшлигиданоқ болаларбоп қўшиқлар айтарди. Консерваторияга келиб, мақом бўлимига ҳужжатларини топширмоқчи бўлганида домлалар унинг овозини эшитиб кўриб, «бундан ажойиб опера қўшиқчиси» чиқади, дея башорат қилишади. Муяссарнинг опера санъатини мукаммал эгаллашида устозлари Д. Савинькова, С. Қобулова ва Р. Лоутларнинг хизмати катта.***



Муяссар Раззоқова турли даражадаги халқаро конкурслар лауреати, Жавлонбек номли ўғли бор. Севимли машғулоти – енгил атлетика.

**– Муяссархон, ҳамма ҳам опера айтавермайди, опера айтишнинг ўзига хос жиҳатлари нимада?**

– Опера мураккаб санъат тури. Унинг Ватани италия ҳисобланади. «Опера» дегани италянча «қичқириқ», яъни бор овози билан куйлаш дегани. Операни айтиш учун Худо томонидан овоз берилган бўлиши керак. Ана шу овоз устида ишлаб, уни шакллантириб, 5-6 йил шуғуллангандан кейингина опера спектаклларига ҳаракат бошланади. Дастлаб постановкаларда ўзингизни синайсиз, сўнгра спектаклларда роль ижро этишингиз мумкин. Спектаклда ижро учун овоз икки ярим соат тўхтовсиз ишлаши керак. Шунча вақтда узлуксиз фақат опера усталаригина қўшиқ куйлай олади.

**– Бугунги кунда юртимизда опера санъатини ривожлантириш, учун нималар қилиш керак деб ўйлайсиз?**

– Аввало биринчи навбатда маблағ керак. Фақат овоз билан ҳозирги шароитда томошабинни жалб қила олмайсиз. Бунинг учун саҳнани ранг-баранг қилиб безаш, тарихий жараёнларга мос кийимларни топиш ва ҳоказо. Бундан ташқари тарғибот масалаларини яхши йўлга қўйиш керак. Бастакорларимиз кўпроқ опера яратишлари лозим бўлади.

**– Ҳозирги пайтда опера жанрида ижод қилаётган ўзбек бастакорларидан кимларни таъкидлай оласиз?**

– Опера яратаётган ўзбек бастакорларидан Рустам Абдуллаевни, Мустафо Бафоевни айтиб ўтишим мумкин. Улар кейинги пайтда бир қанча операларнинг дунёга келишига ҳисса қўшдилар. Бу иш оғир бўлишига қарамасдан улар ҳаракат қилишаяпти. Масалан, Мустақилликдан кейин учта опера яратилди. Булар, Умар Ҳайём, «Ал-Фарғоний» ва «Амир Темур» операларидир. Шундан иккитаси Мустафо Бафоев ижодига мансуб. Улар мени овозимга мослаб опера ёзаяптилар, асосий қаҳрамонни ижро этаман.

**– Сиз ҳозир асосан қайси операларда роллар ижро этаяпсиз?**

«Майсаранинг иши»да – Ойхон, «Дилором»да – Дилором, «Умар Хайём»да – Феруза, «Севилья сартароши»да – Розина, «Бал маскарад»да – Оскарни талқин этаяпман. Яқинда бўладиган италян композитори Гэтано Доницеттининг «Лячия Ламмермур» операсида бош роль – Лючияни ўйнайман, келинг, томоша қилинг.

**– Сиз Олий Мажлис депутатисиз. Икки масъулиятли иш, қийнаб қўймаяптими?**

– Ўзига яраша мураккаблиги бор. Лекин қўлимдан келганича ҳаракат қилаяпман. Жуда қойиллатиб олиб боряпман, деб айта олмайман. Чунки, мени сайловчиларим Қорақалпоғистонда бўлса, ўзим Тошкентда яшайман. Икки уч ойда бир марта бориб, сайловчилар билан учрашиб, озгина бўлса ҳам уларни оғирини енгил қилишга ҳаракат қиламан.

**– Бўш пайтларингизда нима қиласиз?**

– Бўш пайт йўқ ҳисоби. Фарзандим тарбияси билан шуғулланаман. Рўзғор ташвишлари дегандек... Хуллас ишлар етарли.

**– Наврўз байрами арафасида юртдошларимизга тилакларингиз.**

– Юртимиз одамлари доимо гўзал, ардоқли, севимли бўлиб юрсинлар. Наврўз ҳар бир хонадонга кут-барака, омад, яхши кунлар олиб келсин. «Қорин тўқ бўлса, қўшиқ ярашади», деганларидек, дастурхонимиз тўкин бўлиб, уйларимизда тўйлар бўлаверсин. Биз санъаткорлар ана шу тўйларда яйраб-яйраб қўшиқлар айтайлик.

**Суҳбатдош: Зокиржон ҚЎЗИБОЕВ.**

## ҲАЗИЛКАШ ҚАРИЯЛАР

Байрам сайлида икки ҳазилкаш қария учрашиб қолишди.

– Йўл бўлсин, дўстим Наврўзбой?

– Ҳув анави жойда чиройли, хушбичим кийимларнинг кўргазмали савдоси бўлаётганмиш!

– Ҳа, қариб қуйилмаган дўстимей! Минг хил чиройли кийим кийсанг ҳам юзингдаги чувалашиб ётган ажинларни кўриб, энди сенга ҳеч ким қарамас.

– Ундай деманг, дўстим. Кампирим анчадан бери «тўнингизни тескари кийиб олибсиз», деган. Бугун тўнни янгилай, зора яхши қараса.

## ОШХОНАДА

Сайрибоғдаги ошхонада бир хўранда хамир чўзаётган ошпазни чақириб унга башарасини бужмайтириб дебди:

– Манавини кўринг, лағмонингиздан битта пашшанинг ўлиги чиқдия!

– Биродар шукр қилинг, – дебди ошпаз пинагини бузмай, – ҳув нарида ўтирган санинспекторнинг лағмонидан тирик пашша чиқиб, бир зумда учиб кетибди. Ўшани тутиб, менга кўрсата олмаганидан афсусланиб ўтирибди!



# НАВРЎЗ НИМКУЛГИЛАРИ

## БИНАФША ТАҚҚАН САТАНГ

Чаккасига Бинафша таққан сатанг бир қиз катта қозондаги сумалакни ковлаётган аёллар олдига келибди:

– Намунча ковламасанглар! Қани нимаси бор экан, мен ҳам ковлаб кўрай-чи? – дея узун сопли кафгирни қўлига олибди. У ковлаётиб, қозонда тошлар борлигини сезибди:

– Кампиршолар, сизларга билдирмай кимдир қозонингизга тош ташлаб кетибди-ку?– Қўявер қизим! – дебди Сора момо кулимсираб, идишингни олиб келгин, ҳамма тошни қозондан сенга сузиб берамиз, мазза қилиб ялаб юрасан.

– Ҳо-о! – дебди сатанг бурнини жийириб, – сумалак турганида мен тош ялаб юрарканманми, ундан кўра қозондаги тошингизни теринг-а!

## ОШИҚ КАБОБПАЗ

Ёш бўйдоқ йигит бозор йўлагида кабоб тайёрлар экан, севган қизи Оростани кўриб қолибди:

– Баҳор байрамингиз қутлуғ бўлсин, Орастахон, – дебди қарамай ўтиб кетаётган қизга.

– Ие, Султон ака ҳали кабобпазмисиз?

– Ҳа, ишқингиз ўтида юрагим кабоб бўлавериб, охири кабобпаз бўлдим.

– Агар қассоб бўлганингизда нима қилардингиз? – деб сўрабди қиз ҳазилга йўйиб.

– Нима қилардим, – юрагимни майдалардим.

– Ўт ўчирувчи бўлиб қолсангизчи?

– Унда бир амаллаб юрагимдаги ўтни ўчирардим.

– Бўлди! Севгингизга ишониб юрибман-а, хайр! – дея жўнаб қолди қиз.

– Ҳой Ораста сира ҳам ўт ўчирувчи бўлмайман!

## СИНОВ

Наврўз баҳонасида Маматохун қизига совчи қўйган бўлажак куёвни синамоқчи бўлибди. У йигитчани сайлгоҳдаги тахта ўриндиқда газета ўқиётганини кўриб, ёнига бориб ўтирибди:

– Ўғлим кечирасиз, аввало Наврўзингиз қутлуғ бўлсин. Агар малол келмаса сизга бир-икки саволим бор эди.

– Марҳамат, айтинг, – деди йигит танимаган киши бўлиб.

– Ичиб турасизми?

– Йўқ!

– Чекасизми?

– Йўқ.

– Қиморга қанақасиз?

– Сира ҳам ёқтирмайман!

– Демак, бирорта ҳам камчилигингиз йўқ экан-да!

– Фақат битта камчилигим бор, аҳён-аҳёнда ёлғон гапириб тураман!

**Ҳандапаз: О. БЕКОВ.**

# ДОНОЛАР ДЕЙДИКИМ:

***Доноларнинг айтишича, ақлли кишилар беш нарсани яширишлари лозимдир. Биринчи, молу давлатига нуқсон етса, уни халқ олдида гапириб юрмаслиги керакки, уни айтган билан бойлиги қайтиб келмайди. Ўзини эса очкўзликда ва бефаҳмликда айблайдилар, ҳурмати эса тўкилади.***

Иккинчи, ақлли ҳисобланган кишилар ўзгалар қошида ғам-андуҳдан шикоят қилса унинг бекарорлиги ва кулфатга чидами йўқлиги маълум бўлади, унинг изтиробини кўрган одамлар аҳли тадбир эмаслигидан огоҳ бўладилар. Учинчи, ақлли кишининг ўзидан ёки қавму қариндошидан бирор яхши ёхуд ёмон иш содир бўлса бу вақтда мақтанса ёки аксинча нолиса бу ҳам ақллилик сифати саналмайди. Бундай пайтда ҳам ақлли кишига жим туриш ярашади. Ақлли киши бирор учун яхшилик қилса ёрдам қўлини чўзиб кулфатдан халос қилса, бу пайтда ҳам жим турмоғи ва бу қилган яхшилигини барчага айтиб юрмай, пинҳон тутмоғи керак.

*Қатра*

# БАҲОРИЙ СОФЛИК БОР

***Наврўз шукуҳи оламни тутса, ғунчалари бўртиб турган ўрик новдаси оппоқ гулларини остонангга пайғом қилғуси. Олам бунданда гўзал, бунданда мафтункор, бунданда жозибали бўлиб кўринади. Ҳаёлан чаманларинг аро сайр этиб, гўзаллигинг асирига айланаман.***

**Сен келдинг чаманда,
Гуллар қутқуси,
Сен келдинг бу олам,
Янада гўзал.
Юрагим васлингни
Мафтуни бўлиб,
Хумордан энтиккан,
Лолалар гўзал.
Булбулнинг овози,
Тонгни янгратса,
Суратинг қалбимга,
Роҳатни туяр.
Ёшарган оламни
Чеҳраси ёниб,
Сени пок вужудинг,
Наврўзни суяр.**

**Наврўз олам ва одамни ёшариш они, борлиқни тозариб,қайта туғилган гўдакдек бўлиб қолиши, руҳни пок руҳинг билан бирлашиши ҳам ҳаётга бўлган муҳаббатни оширади. Сулув келинчакдек тебранаётган баҳорнинг тоза ҳавоси, ўйноқи ва шўх анҳорнинг атрофига йиғилган қизлар кулгусида, баҳорий софлик бор. Арқондек тизилиб учаётган турналар, бу йилнинг файзли, тўкин-сочин ва фаровон бўлишидан дарак бераяпти. Наврўз сенга омон етган бобо ва момоларим кўк сомсани хушбўй исидан баҳра олаётир. Кел, азизим Наврўз бу олам ичра шодлик ва хуррамлик наъвосини чал, бунга бутун борлиқ жўр бўлсин. Ватаним ичра ҳар кун ва ҳар доим сени нафасинг уфуриб турсин. Булбулларинг тинчлик куйига жўр бўлсин. Бахт ва тинчлик рамзига айланган ҳумо қуши ҳар кимни боши узра чарх уриб, ҳар дилни бахтли қилсин.**

**Вилоят ШОДИЕВА.**

## ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши ва "Адолат" газетаси ижодий жамоаси партия хайрихоҳи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори профессор

**Раҳим Эгамбердиевич ХУДОЙБЕРДИЕВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.


Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Р. З. АҲМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи)
Т. О. ДАМИНОВ, А. Ғ. ҒУЛОММАҲМУДОВ, А. ЖЎРАБОЕВ, Р. Р. ҲАЙДАРОВ,
К.РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Б. ТОШЕВ, Р. М. АЗИМОВ,
Т. И. ЭРГАШЕВ, А. МАМАЖОНОВ, Ў.Ф. ЖЎРАЕВ, М. Б. РАҲМОНОВ,
Н. НУРМАТОВ, Д. Ғ. ТОШМУҲАМЕДОВА, З. Т. ТЎРАҚУЛОВ (ўз мухбир).

Мулоқот учун телефонлар:
Хатлар ва шикоятлар бўлими — 136-53-14.
Бухгалтерия — 136-55-64.
Факс: (8.371) 133-41-89.

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасидан 140 рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма Г— 183, Адади 2759 Ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт - матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Саҳифаловчи — Бахтиёр ҚЎШОҚОВ | Навбатчи— Зафар КАЛОНОВ

Газета IBM компьютерида терилди.

Босишга топшириш вақти—20.00.

• Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. • Реклама ва эълонлар ҳаққонийлиги учун буюртма берувчи масъулдир. • «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t Мазкур белги остида тижорат мақолалари чоп этилади. • Газетанинг сифатли босилишига босмахона масъул. • Қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва жавоб берилмайди.

Босишга топширилди 21.30.